

Ортиқжон ЖЎРАЕВ

ЗИЁ ЧАШМАСИ

“Ғузор” қишлоқ хўжалик коллежи
хаётидан лавҳалар

Қарши
“Насаф” нашриёти
2005


74.204p

Комил инсонни тарбиялаш жамиятимизда кечаётган янгиланиш жараёнининг таркибий қисмидир. Ортиқжон Жўраевнинг ушбу «Зиё чашмаси» китобида Фузор қишлоқ хўжалик коллежидаги ўқув-тарбия ишлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Ж 4702620201- 320 320-2005
376 (03) 2005

© О. Жўраев - 2005

ISBN 5-7323-0505



10

КОЛЛЕЖНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ФАОЛИЯТИ

Ҳурматли китобхон, рисолани “Зиё чашмаси” деб атаганимиздан ажабланарсиз. Дарвоқе, чашмадан зиё таралмайди. Билим юртининг фаолиятига рамзий маъно бермоқчимиз. Билим юрти зиё маскани ҳисобланади. Ёшлар билим ва ғурур, зиё билан ҳаётга қадам қўйишларига қўшган ҳиссаси билан Ватан, халқ хизматларига асқотади.

Туманимизда ишлаб чиқариш ривожланиши билан бирга қурилиш ҳам авж ола бошлади. Ишлаб чиқаришда эришаётган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, янада тараққий эттириш учун мутахассис кадрлар талаб қилина бошлади. Натижада 1974 йилда 83-касб-хунар билим юрти ташкил қилиниб, унга иккинчи жаҳон урушининг иштирокчиси Чори Назаровни раҳбар этиб тайинлашди. Дастлаб билим юртига туманимиздаги қишлоқлардан бир юз элликка яқин ўсмирлар жалб қилиниб, улар тўққизинчи синф маълумоти ҳажмидан-уч йиллик ва умумий ўрта маълумот ҳажмидан-механизаторлар тайёрлаш бир йиллик курсларида таълим ола бошлади. Тўлиқсиз ўрта маълумотлиларга уч йил мобайнида касб-хунар ўргатиш билан бирга умумий ўрта маълумот ҳам берилиши кўзда тутилган эди.

Ташкил бўлган йилданок билим юрти учун лойиҳалаштирилган иморат қурилиб, 1975 йилда фойдаланишга топширилган. Узоқдан келиб ўқийдиган ўқувчиларнинг ётиб ўқишлари учун тўрт қаватли ётоқхона қурилиб ишга туширилди. Билим юртида ўқувчиларнинг касб - хунар ўрганиши, фанлардан чуқур билим олишлари учун барча имконият ва шароитлар яратилди. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш усталари сафи билимдонлиги билан синалган муҳандислар, мактаблардаги тажрибали педагоглар ҳисобидан кенгайтирила борилди. Шу ўқув йилининг ўрталарида туман хўжалиқларининг механизатор кадрларга эҳтиёжи ҳисобга оlinиб, билим юрти қошида олти ойлик механизаторлар тайёрлаш курслари ташкил этилди.

1976 йилда ўқувчиларни қабул қилиш дастлабки вақтдагидан икки-уч баробар ортди. Устахоналар кенгайтирилиши билан қишлоқ хўжалиқ машиналарининг тури кўпайтирилди. Талаб ва эҳтиёж ҳисобга олиниб, уч йиллик ва

бир йиллик электр пайвандчилари курслари ташкил этилди.

1978 йилда билим юрти директорлигига Маҳмуд Норматов тайинланди. Тажрибали педагог-раҳбар ўз фаолияти мобайнида билим юртида фанларнинг ўқитилишини тубдан яхшилаш, ҳар бир ўқувчига танлаган ихтисоси бўйича чуқур билим беришига эътибор қаратди. 1984 йилда билим юртига ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилияти билан кўзга ташланган Жонимқул Мирзаев директорлик лавозимига кўтарилгач, ёшларга касб-ҳунар сир-асрорларини ўргатишда, таълим-тарбия ишларида туб ўзгаришлар юз берди. Изланувчан раҳбар доим давр талабларидан келиб чиқди. Билим юрти 1993 йилда қишлоқ хўжалик касб-ҳунар лицейига айлантирилди. Лицейнинг касб-ҳунар ўргатишдаги довуғи ортиб борди. Вилоятимиз туманлари, қўшни вилоятлардан касб-ҳунар ўрганиб, билим олиш учун келувчилар сони йилдан йилга кўпайди. 2003 йилда лицей замирида Қишлоқ хўжалик коллежи ташкил қилинди.

Коллежнинг ўттиз йиллик фаолияти мобайнида минглаб ўқувчилар касб-ҳунар ўрганиб, таълим-тарбия олди. Битирувчиларнинг ишга жойлашиши, ўқишини давом эттириши билим юрти директорининг доимий эътиборида бўлди. Ўқишни муваффақиятли тамомлаганларга олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш учун берилган имтиёزلардан фойдаланиб, билим юртининг кўпгина ўқувчилари олий маълумотни эгаллаб, ажойиб мутахассис кадрлар бўлиб етишдилар. Билим юртининг собиқ тингловчилардан Мўмин Лолаев, Рашид Саидов, Зокир Примов, Абдирахим Ўлжаев юксак лавозимларда фаолият кўрсатаёпти.

Дарҳақиқат, Ғузор туманида мутахассис кадрлар тайёрлаш ва халқ хўжалгининг ривожланишида Ғузор қишлоқ хўжалик коллежининг салмоқли улуши бор.

ТАШКИЛОТЧИЛИК САМАРАСИ



Ишнинг намунали йўлга қўйилиши раҳбарнинг ташкилотчилик, ўз-ўзига ва ўзгаларга талабчанлик, одиллик сингари фазилатларига боғлиқ. Билим юртининг тараққиётини Жонимқул Мирзаевнинг бетиним хизматларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. У 1974 йилда "Ўзсельхозтехника" туман бирлашмаси қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш устахонаси бошлиқлигидан 83-касб-хунар билим юртига ўқитувчиликка ишга келган эди. У ташкилотчилик қобилияти билан ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг

эътиборини ўзига жалб қилди. Ташаббускорлиги туфайли муҳандис-педагог ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасига кўтарилди. Жонимқул Мирзаев вилоятимиз ва республикамиздаги энг яхши ҳисобланган билим юртлари билан алоқа боғлаб таълим-тарбияда янги ва илғор усулларни ўрганиб, амалда жорий қила бошлади. Билим юртининг айрим муҳандис ва педагогларининг қўшни билим юртларидаги илғор муҳандис-ўқитувчилари билан тажриба алмашишига ташаббускорлик қилди. Унинг ташкилотчилик ва талабчанлик хислатлари ижобий самарасини кўрсата бошлади. 1984 йилда Маҳмуд Норматов бошқа ишга ўтказилгач, туман раҳбарлари Жонимқул Мирзаевни билим юрти директорлигига лозим топишди.

-Халол хизмат қилиш, илм-билимга қизиқиш, ўзгаларга ғамхўрлик, меҳрибонлик, одилона иш юритиш фазилатлари менга отамдан мерос, - дейди Жонимқул Мирзаев.

Дарҳақиқат Жонимқул Мирзаев зиёлилар авлодидан. Отаси Эгамберди Мирзаев эски мактабни битириб, Эскибоғ мачит-мадрасасининг имоми бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик у ҳарбий ўқув юртини тугатиб, Фузор туман ички ишлар бўлимида иш фаолиятини бошлаб, тез орада бошлиқлик лавозимига ўтарилди.

-«Йигирманчи йиллар» ишлаш жуда оғир эди, ўзимни ханжар дамида тургандай ҳис қилар эдим»-деган эдилар отам,-деб эслайди Жонимқул Мирзаев. -Кўр-кўрона оқни қора, қорани оқ дейишлар, берилган топшириқларни тўғри, нотўғрилигидан қатъи назар бажаришга мажбур бўлишлардан беза бошладим. Оқибатда вазифамдан воз кечгач, зимистондан ёруғликка чиққандай енгил тортидим.

Эгамберди Мирзаев мактабда ўқитувчилик қила бошлаган. Ўқувчиларга чуқур илм бериш учун билимли бўлиш кераклигини англаб, у ўз билимини оширишга аҳамият берди. Педагогика билим юртини таомлагандан кейин ўқитувчилар тайёрлаш институтида ўқишини сиртдан давом эттирди. Қирқ йиллик ўқитувчилик фаолиятида юзлаб болаларга таълим-тарбия бериш билан уларнинг айримларига ҳаётдан ўз ўрнини топишида йўл-йўриқлар кўрсатди. Софдиллик, самимийлик, камтаринлиги билан қишлоқ-дошлари, таниш-билишларининг чуқур ҳурмат-эътиборларини қозонди.

Ажойиб педагог, бағри кенг инсон, қўли гул уста ва миришкор боғбон Эгамберди ака эллик ёшга етганда унинг оиласида Жонимқул тўртинчи фарзанд бўлиб дунёга келган. У отасининг меҳнаткашлик фазилатларини кузатиб, кейинчалик унга ҳавас қилиб улғая борди. Эгамберди ака мактабдан қайтгандан кейин ўз томорқа боғидаги дарахтларни парваришлаш, зироатларни суғориш ёки чопиқ қилишга киришар, эртага ўтиладиган дарсларига кечалари алламаҳалгача тайёргарлик кўришига Жонимқул гувоҳ эди. Отасининг: «Қирқ беш минутлик дарсга ками билан бир ярим соат тайёргарлик кўриш керак. Масалан, эртага ўтиладиган тўрт ёки беш соат дарс учун уйда олти ёки етти соат тайёргарлик кўришига тўғри келади. Шундагина дарс тўлақонли, қизиқарли ўтилади. Ўқитувчилик хизматининг оғирлиги ана шунда. Ўз тушунчасини ўқувчиларига содда ва равоан тушунтириб бера оладиган ўқитувчигина асл ўқитувчи ҳисобланади», -деганлари Жонимқулнинг хотирасида муҳрланиб қолган.

Унинг синфда ўқиб юрган вақтлари ўқишни тугатиб, нима қилмоқчи эканлигини отаси суриштирганда Жонимқул иккиланмай ўқишни давом эттирмоқчилигини айтди.

-Ўқиб мутахассис бўлиш учун киши аввало ўз қобилиятини тўғри баҳолаб, давр тараққиёти ҳамда талабинини ҳисобга олиши керак. Фан-техника ривожланиш босқичига қадам қўйди. Бундан буён барча оғир қўл меҳнатининг ўрнини техника эгаллаб боради. Менимча, техника муҳандислик мутахассислигини эгаллаганинг маъқул. - деб маслаҳат берди отаси.

Жонимқул Мирзаев падари бузрукворининг кўрсатмалари асосида Тошкент сув ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш олийгоҳига ҳужжатларини топширди. Она тили ва адабиёт, физика, математика фанларидан мактабда пухта билим олганлиги иш бериб, кириш синовларидан юқори баҳолар олди. Олийгоҳда ўқишни давом эттиргач, тажрибали олимлар томонидан ўтилган ҳар бир дарсни мароқ билан тинглаб, мазмунини дафтарига битар эди. У буюк немис шоири Гётенинг: "Назария қуруқ ёғочдир, дўстим, аммо яшнаб ҳаёт дарахти" деган ҳикматини доимо ёдида тутиб, дарсларда эгаллаган назарий билимларини амалга тадбиқ қилишга жиддий эътибор қаратди. Айниқса Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш заводида амалиёт тажрибасини ўтказиши унинг учун алоҳида мактаб бўлди. Йирик корхонадаги моҳир усталар томонидан эҳтиёт қисмларнинг ясалиши, уларнинг ишлатилишини қунт билан ўрганиб ишда кўникма, малака орттирди.

-Киши бошлаган ҳар бир ишини муваффақиятли тугаллашга эришиш учун сабр-бардошли бўлишини амалий машғулотларда англаганман, - дейди Жонимқул Мирзаев.

Жонимқул Мирзаев олийгоҳда ўқишни тугатгач, "Узсёлхозтехника" Фузур туман бирлашмасида қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлаш устахонаси бошлиғи бўлиб ишга кирди. Ёш муҳандис дастлаб устахона меҳнаткашлари ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишнинг сифати, тежамкорлик, сарамжон-сарипталиққа эътибор қаратди. Ўзи эса вақт билан ҳисоблашмай ишлар эди. Ишхонага эрталаб келиб кеч қайтар, берилган топшириқларни, ҳар бир шартномани ўз вақтида бажаришни одат тусига айлантди. Қўшни туманлардан шартнома асосида гаъмирталаб машиналар келтира бошланди.

Корхонада ойлик, чораклик, йиллик режалар бир юз қирқ, бир юз эллик фоизга етказилиб адо этила бошланди. Мехнаткашларининг моддий манфаатдорлиги ортди. Раҳбар ишчанлик, изланувчанлик, хушмуомалалик фазилатлари билан туман ва вилоят раҳбарларининг эътиборини ўзига қаратди. Ҳалол хизматлари туфайли юқори ташкилотларининг "Мақтов қоғоз"лари билан бир неча марта мукофотланиб, қимматбаҳо буюмлар билан рағбатлантирилди.

Ж. Мирзаев механизаторларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш масалалари бўйича 83-хунар-техника билим юрти ташкил этилганлигидан хабар топгач, билим юрти билан алоқада бўлиб турди. Мутахассис кадрларнинг етуқлиги уларнинг пухта билим олишига боғлиқлигини англаб, Жонимқул Мирзаевнинг педагогликка ҳаваси ортди. Билим юрти раҳбарларининг розилиги билан ўтказган назарий ва амалий машғулотлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Билим юрти директори ва ўқитувчиларининг дўстона маслаҳатлари билан билим юртида иш фаолиятини давом эттирди. Муҳандис-педагогнинг хизматлари муносиб тақдирланиб, 1981 йилда «касб-хунар таълими аълочиси» кўкрак нишони билан мукофотланиши уни янада самарали ишлаш, изланувчанлик сари илҳомлантирди.

-Туман партия қўмитасининг биринчи котиби Райим Раҳмонов ўз хузурига чақиртиргани ҳақида хабар қилишди, -деб сўзни давом этди Ж. Мирзаев. -Райим ака, ишларим, билим юрти ҳаёти борасида бироз суҳбатлашганларидан кейин, билим юрти директорлигига сизни лозим топдик. Лекин ўз фикрингизни ҳам билмоқчи эдим, дедилар. Шу лаҳзада билим юртининг директорлиги нечоғлик масъулияти эканини биринчи марта чуқур хис қилдим-да, мен оддий муҳандисман, у жойга педагогикани яхши биладиган киши керак дедим. Райим ака самимий ҳолда, вилоятдаги бошлиқларингиз билан ҳам келишганмиз, улар сиз ҳақингизда яхши фикрда. Гапларингиздан масъулиятни сезишингиз билиниб турибди. Масъулиятни сезган кишидан раҳбар чиқади, -деб суҳбатга нуқта қўйдилар.

Дарҳақиқат, билим юртининг тараққиёти Жонимқул Мирзаевнинг раҳбарлик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Директорлик лавозимига тайинлангунча шу жойда ўн йил

фаолият кўрсатган эди. Бироқ кўнглидаги ёрқин ва улкан режаларни амалга оширишга айрим сабаблар туфайли ожизлик қилар эди. У раҳбарлик фаолиятини билим юрти ўқув базасини мустаҳкамлашдан бошлади. Давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ёрдамчи хўжалик ташкил қилиб, ундан келган фойда ҳисобидан устахоналарни кенгайтириб, зарур асбоб-ускуналар билан бойитишга эътибор қаратди. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида интизом мустаҳкамланди. Муҳандис, педагоглар сафи тажрибали мутахассислар ҳисобидан тўлдириб ёш мутахассисларнинг иш ўрганиши учун илғор мутахассисларнинг оталиғи ташкил қилинди. Узоқдан келиб ўқийдиган ўқувчилар учун ётоқхонада барча шарт-шароитлар яратилди. Ётоқхонада доимий кутубхона иш бошлади. Педагог ва ўқувчилар учун ошхона, чойхона хизматлари йўлга қўйилди. Ўқувчилар билан дарслардан ташқари ишлашга аҳамият кучайтира борилди. Шу билан бир қаторда билим юртичи тамомлаган, ёшларнинг иш билан таъминланиши, иқтидорли ёшларга олий ўқув юртларида ўқишини давом эттириш учун йўл-йўриқлар кўрсатиш, йўлланмалар бериш директорнинг эътиборидан четга қолмади.

-Механизаторликни тугатган ҳар бир ўқувчи ўз соҳаси бўйича олий ўқув юртига кириб, муҳандислик мутахассислигини эгаллаши мумкин. Бироқ ҳақиқий муҳандис бўладиган талаба билим юртида ўқиш жараёнида тушунчаси, дунёқараши, ўзини тутиши билан ажралиб туради, - дейди директор.

Билим юртида ўқишни тамомлаб, Ж. Мирзаевнинг маслаҳатлари билан юзлаб ёшлар олий ўқув юртларида ўқиб чиқиб, ҳаётда муносиб ўрнини топганлар.

-Жонимқул ака спортга жуда қизиқадилар. Менинг ҳам қизиқишимни сезиб мени жиддий кузата бошладилар. - дейди суҳбатдошим Зокиржон Пиримов. -Ўқишингизни тугатганингиздан кейин олий милиция мактаби ёки олий ўқув юртларидан бирининг физкультура ва спорт қўллиётларида ўқинг, - деб маслаҳат бердилар. Домланинг маслаҳатлари борасида жиддий ўйлай бошладим. Ниҳоят билим юртида ўқишимни тугатиб, республикамиз олий милиция мактабида ўқишимни давом эттирдим. Ҳозир туман ички ишлар бўлимида

хизмат қилаяпман. Касбимдан мамнунман.

-Жонимкул ака Мирзаевнинг маслаҳатлари асосида иш тутиб, муҳандислик касбини эгалладим, -дея сўзлайди Абдирахим Ўлжаев. -Айни пайтда туман электр тармоқлари бўлимида бошлиқ ўринбосари лавозимида хизмат қилаяпман. Иш билан чегараланиб қолмай ўз устимда жиддий ишлашга одатланганман.

Раҳбарнинг ташкилотчилиги туфайли билим юртида ихтисосликлар сони йилдан йилга ортиб борди. 1984 йилда атиги уч ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрланган бўлса, 1993 йилда ихтисослар сони бир нечтага етказилди. Тараққиёт ҳисобга олиниб ўрта касб-ҳунар билим юрти лицейига айлантирилди. Шароитдан келиб чиққан ҳолда ихтисосликлар тизимини кўпайтиришга аҳамият қаратилди. Ихтисослар кўпайиши туфайли тингловчилар сони олдинги йилдагига нисбатан 300-450 нафар ортди. Ўқув-тарбия, ободонлаштириш ишларининг тубдан яхшилана бориши натижасида лицей вилоятдаги энг яхши лицейлар қаторидан ўрин олди. Касб-ҳунар таълим аълочиси Ж. Мирзаев 1997 йилда Германияда бўлиб, таълим тизимини ўрганиб қайтди. Фузор қишлоқ хўжалик лицейи икки марта республика бўйича "Энг юқори маданиятли билим юрти дипломи"га сазавор бўлди. Спорт мусобақалари бўйича олимпиадалар, санъат кўриклари, кутубхона кўрик-танловларида ўринлар эгаллаб келмоқда.

Касб-ҳунар лицейининг 2003 йилда қишлоқ хўжалик коллежига айлантирилиши истиқлол берган улкан имконият сифатида директорни ҳам ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасини ҳам беҳад қувонтирди. Ўрта бўйли, буғдой ранг, қотмадан келган, камтар Жонимкулнинг вужуди ғайрат-шижоат билан тўла. У ҳозирги кунларда амалга ошираётган ишлари, келгуси режалари ҳақида ҳаяжон билан сўзлай бошлади:

-Лицей коллежга айлантирилгач, ўқув хоналари, устахоналар, ётоқхоналарни, шунингдек коллеж ҳудудини замон талабларига мослаштириб, ўқув хоналарини янги ўқув ускуналари билан бойитиш тақозо этилди. 2003 йилда "Фузор-Ф" курилиш корхонаси томонидан қайта таъмирлаш ишлари бошланди. Белгиланган 805 миллион сўм маблағга

ўқув бинолари, устахоналарнинг асосий қисми, ташқи ва ички сув, электр қуввати, иситиш қурилмалари, ва қозонхоналари, оқова сув йўллари, спорт иншоотлари ва майдончалари, бўшқа ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Қайта таъмирлаш тугагач, коллежда 900 нафар ўқувчи таълим олиш имконияти яратилди.

Давримизда ёшларнинг касб-хунар ўрганишига катта аҳамият берилмоқда. Ўтган ўқув йилида 473 нафар ўқувчи таълим олди, Коллежда спорт зали, футбол, волейбол, теннис ва спорт майдончалари ишлаб турибди. Туманимиздаги мактаблар, маҳалла болалари билан ҳамкорликда тадбирлар ўқатиш учун шартномалар тузилган эди. Коллежда саккиз турда спорт тўғараклари ташкил этилиб, иш олиб боради.

Ёшларни касб-хунарга йўналтириш учун ўтган йилдаги саккиз тур янги ўқув йилида иккитага кўпайтирилди. 2004 -2005 ўқув йилларда ёшларимиз ўсимликшунослик бўйича фермер хўжалиklarини ташкил этиш ва юритиш, чорвачилик бўйича фермер хўжалиklarини ташкил этиш ва юритиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини назорат қилиш ва стандартлаштириш, бухгалтерия-аудит, тикувчилик ишлаб чиқариш, ЭХМ оператори ва компьютер тармоқларини ўрганиш ва ишлатиш, молия, қишлоқ хўжалик машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш, нон-булка, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, эколог-реферант сингари ўн йўналиш бўйича таҳсил оладилар.

Ўқитувчилар, муҳандис-педагоглар малака даражасини яхшилашга ҳам эътибор қаратганмиз. Коллежда 41 нафар ўқитувчи, муҳандис-педагоглар фаолият кўрсатмоқда. Улардан 14 нафари умумтаълим фанлари, 18 нафари махсус фан ўқитувчилари, 9 нафари ишлаб чиқариш таълими муҳандисларидир. Жамоамиз ўқитувчи ва муҳандисларидан 19 нафари биринчи тоифали, 5 нафари, иккинчи тоифали мутахассислар. Ўқитувчиларимиз томонидан 20 номдаги маъруза матнлари яратилган. 2004-2005 ўқув йилида информатика, чет тили, жисмоний тарбия мутахассисликлари бўйича кадрларга эҳтиёжимиз бор. Касб йўналиши ишлари борасида туман ХТБ педагогик-психологик ташхис маркази ва туман ХТБ тасарруфидаги мактаблар билан ҳамкорлик ўрнатилган.



**Абдихалил
Жўраев**



**Гулмурод
Жўраев**



**Бекмурод
Жайлово**



**Йўлдош
Сатторов**



**Дилбар
Невараева**



**Бахтиёр
Хуррамов**

Собиқ талабалар



**Абдирахим
Ўлжаев**



Абдузокир Пиримов

Ўқувчиларнинг назарий машғулотларда олган билимларини амалда синаб, мустаҳкамлашларига ҳам имкон яратилган. Химия, физика, биология лабораторияларида ўқувчиларнинг тажрибалар ўтказишлари учун барча шароит муҳайё этилган. Шу билан бир қаторда ўқув устахоналари, лабораториялардан ташқари амалий машғулотлар тумандаги хўжаликлар, ташкилотлар, корхона ва хусусий корхоналарда ҳам шартнома асосида ўтказилмоқда.

Коллежда ўқув хўжалиги мавжуд бўлиб, 23 гектар ерга эга. Белгиланган ерда ғалла, пахта етиштирилаяпти. Ёрдამчи хўжаликни ҳам ривожлантиришни кўзда тутилган.

Коллежимизда қўшни туманлар, қўшни вилоятлардан келиб ўқиётган ёшларнинг сони тобора ортмоқда. Узоқдан келиб ўқиётганлар учун шароит яратилган. 200 ўринли ётоқхона ишлаб турибди.

Кутубхона-нурхона. Ўқув юртларида ўқувчиларига қай даражада билим берилаётгани кутубхонасининг китобга бойлиги билан белгиланади. Кутубхонамизда 12196 китоб мавжуд. Шундан 4673 умумтаълим, 539 ўқув-услубий қўлланма, 2074 бадиий, 179 илмий-оммабоп, 441 сиёсий мавзудаги китоблардир. Жами китоблар қиймати 5667741,4 сўмни ташкил қилади.

Ободонлаштириш ишлари ҳам эътибордан четда эмас. Коллежнинг етти гектарлик ҳудудидаги йўлаклар ёқаси, иморатлар олдида мевали ва манзарали дарахтлар экиб, гулзорлар яратганмиз. Қайта лойиҳалаштириш натижасида кесилган дарахтлар ўрнига кўчатлар ўтказиб, юзага келган майдончаларда турли хил гуллар экиб-парваришляяпмиз.

Сухбатимиз мобайнида Ж. Мирзаевнинг директорлик фаолияти мобайнида ўқитувчилар, муҳандис-педагоглардан ишдан бўшаганлар жуда кам экан. Жамоа аъзоларининг аксарияти билим юрти ташкил бўлгандан буён яъни 20-25 йилдан бери шу жойда фаолият кўрсатишяпти. Нафақага чиққан мутахассислар ўрни ёш кадрлар билан тўлдирилиб борилган. Бундан раҳбарнинг қўл остидаги ҳар бир ходимга одилона муносабатда бўлиши натижасида жамоа аъзолари ўртасида иноқликнинг мустаҳкамлиги билинади. Доно халқимиз таъбири билан айтганда, иноқлик бор жойда қут-барака, файз бўлади.

Дарё бўйига етканимда беихтиёр изимга қарадим. Фузор дарёси оқимининг чап қирғоқ томонидаги бир парча жой иссиқ ёз кунларида ям-яшил бўлиб турибди. Баланд ўсган қатор манзарали дарахтлар, кўркам иморатлар чиройини оширган. Коллеж ҳудудида ишлаётган кишилар орасида Жонимкулни танидим. У атрофидагиларга қўл ишораси билан нималарнидир уқтирар эди. Ҳа, тинимсиз изланиб, ишлаган кишигина эл-халқининг ишончини қозониб, ҳурматига сазавор бўлади.

ИРМОҚЛАР БИРЛАШСА

Ирмоқлар бирлашишидан дарё, жамоа аъзоларининг мустаҳкам бирлиги ва ўзаро иноқлигидан қудрат вужудга келади. Коллежда касб йўналишлари, таълим-тарбия ишларининг талаб даражасида намунали йўлга қўйилишида Йўлдош Саттаровнинг ҳам муносиб улуши бор.

Ишчанлиги билан кўзга ташланган Й. Саттаров 1981 йилда Калинин номли (ҳозирги Д. Тўхтаев номли) ўрта мактабдан 83-ўрта касб-хунар билим юртига ишга таклиф қилинди. У фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ билим юртида рус тили ва адабиёти фанининг ўқитилишини тубдан яхшилашга диққатини қаратди. Унинг ташаббус ва талабчанлиги билан рус тили хонаси техника воситалари, кўрғазмали қуроллар билан бойитилди. Ўқувчилар билан дарс ва дарсдан ташқарида ишлашни кучайтирди. Изланувчан педагогнинг бетиним хизматлари ўз самарасини кўрсата бошлади. Ўқувчилари вилоят ва республика бўйича ўтказилган олимпиадаларга қатнашиб, юқори ўринлар эгаллади.

Муваффақиятдан мағрурланиш-чекиниш. Й. Саттаров таълим-тарбияда эришган ютуқларини янада мустаҳкамлаш учун ўз устида тинмай ишлади. Илғор тажрибаларни ўрганиб, амалга тадбиқ қилиш билан ўқиш ва ўқитиш ишларида доимо изланишда бўлди. 1987 йилда республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрида ўтказилган республика педагогик ўқитувчилар кўригида фаол иштирок этиб, фахрий диплом билан тақдирланди. Ташкилотчилик қобилияти туфайли Й. Саттаров директор ўринбосарлиги лавозимига кўтарилди. Қарийб ўн йилдан бери у зиммасидаги вазифани

сидқидилдан бажариб келмоқда.Методист ўқитувчи Й.Сатторовнинг ҳалол хизматлари туман ҳокимлиги,вилоят касб-хунар бошқармаси томонидан муносиб тақдирланган.

ҲАВАС ҚИЛГАН ЕТАР МУРОДГА

Бекмурод Жайлово А.Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунунининг механика-математика куллийетини таомлаб,83-ўрта касб-хунар билим юртида иш фаолиятини бошлаган эди.Шундан бери ўтган 23 йил мобайнида математика,информатика, ҳисоблаш техникаси асослари фанларига ўқувчиларнинг ҳавасини ошириб,ўқув-тарбия ишларида улкан муваффақиятларга эришмоқда.Б.Жайлово ишчанлиги,ўз мутахассислигининг эгаси эканлиги,билимдон ва жонқурлиги билан касбдошларининг ҳурмат-эътиборини қозонди.Ўзининг шарафли ва сермашаққат мутахассислиги математика фани ўқитилиши бўйича бир неча анжуманларда қатнашиб,вақтли матбуотда мақолалари чоп этилди. Бу фикрни 1985 йилда Андижон шаҳрида "Математика ва тарбия",1986 йилда Пермь шаҳрида "Ҳозирги замон математика фанини ўқитишдаги муаммолар",1988 йилда Қарши шаҳрида "Математика фанини ўқитишда синфдан ташқари ишлар" сингари темалардаги маърузалари исботлайди.Шунингдек ўқувчилари 1982 йилдан бери республика олимпиадаларида қатнашиб келишмоқда.

Дарахт серҳосиллиги,устоз эса шогирдларининг кўплиги ва уларнинг етуклиги билан қадрланади.Унинг қўлида таҳсил топган ёшларнинг кўпчилиги республикаимиз миқёсидаги олий ўқув юртларида ўқиб,математика фани ўқитувчиси, муҳандислик касбини эгалладилар.Шогирдларининг айримлари ўзи билан бир сафда хизмат қилмоқда.

-Мақтабда ўқиб юрган пайтларимда Эрмат Қурбонов,Холмат Қодиров,Қудрат Ҳамраев,Тўйчи Аҳмедов лардек туманимизда таниқли физика,математика ўқитувчиларидан чуқур билим олиб, келгусида улардек ўқитувчи бўлиб хизмат қилишни орзу қилар эдим.Дарҳақиқат, ишда эришган муваффақиятларимда устозларимнинг муносиб улушлари бор,-дейди Жайлово.


МУХАНДИС-ПЕДАГОГ

Абдихалил Жўраев Ғузор туманининг қадимий қишлоқларидан Ғармистонда дунёга келиб, ҳаётга қадам қўйганлардан. Қишлоқ меҳнаткашлари аосан дехқончилик, қисман чорвачилик билан шугулланишади. Маълумки, қишлоқликлар барвақт туриб ишга киришадилар. Абдихалилда ҳам қишлоқликларнинг самимийлик, уйқудан барвақт туриш фазилатлари бор. У доимий одати бўйича уйқудан уйғонганда тонг ғира-шира оқара бошлаган эди.

Турмуш ўртоғи Илтижога ишлари кўплигидан бугун ҳеч ёққа чиқолмаслигини айтиб, ишдан қайтишда кундалик эҳтиёжга зарур нарсаларни харид қилиб келишини тайинладида, йўлга тушди. Ишхонасига яқинлашган вақтда радиокарнайдан ажойиб куй-қўшиқ таралди. Бу куй-қўшиқ беҳосдан ёшлик чоғларини эсига туширди. У Андижон пахтачилик олийгоҳида ўқиб юрганда курсдоши Илтижога кўнгил қўйиб қолди. Олийгоҳни тугатиб никоҳ тўйларини ўтказишгач, Абдихалил (ҳозирги А.Турсунов номли) жамоа хўжалигида техника хавфсизлиги бўйича муҳандис, Илтижо эса 83-касб-хунар билми юртида педагогликдан иш фаолиятини бошлашди. Оқ, у кунлар баҳорги ҳаводек тиниқ, дарё тўлқинларидай мавжли эди... Билимдонлиги туфайли "Узсельхозтехника" туман бирлашмасига ишга таклиф қилинди.

Қайси жойда яхши кадр бўлса Жонимқул Мирзаев ўшани эътиборга олиб, ўрганиб ишга жалб қилишини кишилардан кўп эшитган эди. У "Узсельхозтехника"га борганида Абдихалил билан учрашиб, унга билим юртига ишлаши ҳақида маслаҳат солди-да, 3-4 кун орасида ўз хулосасини айтишини тайинлади. Билим юртида ишлаётганига ўн етти йил бўлибди. Ширин хаёллар оғушида иш жойига етиб ишга киришди.

Абдихалил Жўраев ўқувчиларига қишлоқ хўжалик машиналарини ишлатиш, таъмирлашни ўргатишдаги маҳорати, самимийлиги, хушхулқлиги билан кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Айни пайтда у ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари. Коллежда таълим-тарбия ишларининг талаб даражасида йўлга қўйилишида ҳалол хизматлари билан муносиб ҳисса қўшмоқда.



ЭЪЗУЗДА

Бахтиёр Хуррамов Ғузур кишлук хўжалик коллежида хизмат қилиб, туман ва вилоятлардаги касбдошларининг чуқур хурмат-эътиборларини қозонган педагоглардан. У олийгоҳни тугатиб, туман мактабларида бир неча йил физкультура ўқитувчиси бўлиб хизмат қилган. Тажрибакорлиги билан синалган педагог 83-ўрта касб-хунар билим юртига ишга таклиф қилинган эди.

-Ўз ишига қизиққан киши вақтнинг қандай ўтаётганини билмас экан. Шу жойга келганимга йигирма беш йил бўлибди, аммо ишга ўтган йили келгандайман, - дейди Б. Хуррамов.

Б. Хуррамовнинг коллеждаги фаолиятни умр дафтарининг зарварақлари дейиш мумкин. Дарҳақиқат у футбол бўйича спорт мастери бўлиши билан бирга волейбол, баскетбол ўйинлари бўйича ҳам биринчи даражали разрядлар соҳибидир. Шу билан бир қаторда вилоят, республика миқёсида ҳам ўтказилган қатор мусобақаларда фаол иштирок этган.

Ўз касбининг жонкуяри Б. Хуррамов республика миқёсидаги семинар-кенгашларда қатнашиб, маъруза қилган. Унинг иш тажрибалари ўрганилиб, вилоят ва республикадаги билим юртларида оммалаштирилган. Изланувчан педагог эришган муваффақиятлари билан чегараланиб қолмай, илғор тажрибаларни ўрганиб амалга тадбиқ этмоқда. Шунингдек, унинг талабчанлиги натижасида спорт зали энг замонавий спорт жиҳозлари билан бойитилган.

Билим юрти талабалари қатор йиллардан бери вилоят ва республика миқёсида ўтказилган спорт мусобақаларининг бир неча турларида қатнашиб фахрли ўринларни эгаллаб келаётганини педагог Б. Хуррамовнинг ташкилотчилик ва ташаббускорлик хизматларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Б. Хуррамов хизматлари учун бир неча "Мақтов қоғози", "Фахрий ёрлиқ"лар, ҳамда «Ўзбекистон касб-хунар таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА БАХШИДА УМР

Мингнора Тўраева тоқат ва бардош, куч-ғайратини таълим-тарбияга бахш этиб, ҳаётда муносиб ўрнини топганлардан. У мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ ўқитувчи бўлиб жамият тараққиётига салмоқли ҳисса қўшишни ният қилган эди. Ўнинчи синфни тугатгач, бу орзу уни Тошкент Давлат дорилфунунига бошлади. Дорилфунунинг химия куллийетининг кундузги бўлимида таҳсил кўрар экан, бутун борлигини илм-билимга бахш этган кишигина кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазавор бўлиш мумкинлигига ўзида қаътий ишонч ҳосил қилди.

Дорилфунунда ўқишини тугатиб, туманимизда ўқитувчи бўлиб иш фаолиятини бошлади. У хизмат қилган 2-мактабда химия фани ўқитилиши тубдан яхшиланди. Химия дарслари кабинет системасида ўқитилиши жорий қилиниб, химия кабинети кўргазмали қуроллар ва техника воситалари билан бойитила борилди. Ўқувчилари химия фанидан ўқув дастурини тўла ўзлаштириш билан яқунлай бошлади. Шунингдек, улар химия фани бўйича вилоят ва республика мусобақаларида қатнашиб, ўрин эгаллайдиган бўлдилар. Тажрибакорлиги билан кўпчиликнинг эътиборига тушган педагог 1982 йилда 83-ўрта кэсб-хунар билим юртига ишга таклиф қилинди.

-Иигирма икки йилдан бери бир жойда хизмат қиляпман, - дейди М.Тўраева. - Бу орада ўқувчиларимга чуқур билим бериш билан бирга ўз устимда тинмай ишлаб, ўқиш ва ўқитишда катта тажриба орттирдим. Ўқувчиларим химия фани бўйича республика олимпиадаларида қатнашиб юқори ўринларин олишди. Ўз хизматимдан мамнунман.

Ҳақиқатдан ҳам ишидан ўзи мамнун киши бахтли ҳисобланади. Ҳалол хизматлари учун М.Тўраева туман, вилоят ҳокимликларининг "Мақтов қоғози" ва "Фахрий ёрлик"лари билан бир неча марта рағбатлантирилган.

ПЕДАГОГ-ТАРҒИБОТЧИ

Аликул Ҳамраев Низомий номидаги Тошкент Давлат пединститутини тугатиб, Ш.Муҳиддинов номли (собиқ Киров номли) ўрта мактабда ишлай бошлади. У ёшларга тарих-

жамиятшунослик фанларидан пухта билим бериш билан чегараланиб қолмай, тарғиботчи сифатида ҳам кўзга ташланди. У халқаро аҳвол, фан-техника янгиликлари, илғор тажрибалардан жамоа ўртасида маърузалар қилиб турарди. Раҳбарнинг ўқитувчилар ва муҳандис-педагоглар сафини тажрибали мутахассис кадрлар билан кенгайтиришга эътибори натижасида А.Ҳамраев ҳам 83-ўрта касб-хунар билим юртига ишга таклиф қилинди.

-Талабаларга ижтимоий фанлардан чуқур билим бериш билан ўқувчилар ва меҳнат жамоалари ўртасида олам янгиликлари, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати сингари мавзуларда маърузалар қилиб турибман,- дейди А.Ҳамраев.

КАСБИГА БОҒЛАНГАН ДИЛ

-Касбининг катта-кичиги, яхши-ёмони бўлмайди. Танланган касбига меҳр қўйган кишигина кўпчилиكنинг ҳурмат-эътиборини қозонишига ишончим комил,- дейди Сумбула Қодирова.

Сумбула Қарши шаҳридаги С.Айний номли ўрта-мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ келгусида кутубхоначи бўлиб хизмат қилишни кўнгилига тугиб қўйган эди. Учинчи синфни тугатгач, Қарши маданият техникумида ўқишини давом эттирди. Техникумни битириб, Фузор туманига келин бўлиб келганидан кейин 83-ўрта касб-хунар билим юртида кутубхоначи сифатида иш фаолиятини бошлади. Йигирма беш йилдан бери кутубхонада ҳалол хизмат қилмоқда.

Кутубхонадаги барча китобларнинг авайлаб-асраб ишлатилишига эътибор бериш билан номдор педагоглар ҳамкорлигида адабий кечалар, китобхонлар конференциялари ўтказиб турибмиз. "Китоб-менинг дўстимсан", Буюк ўзбек шоири Ғ.Ғулумнинг юз йиллигига бағишланиб ўтказилган адабий кечалар иштирокчиларда катта таъсирот қолдирди.

-Китоб ҳақида ўқувчилар ўртасида маърузалар ташкил қилиш билан таълим -тарбия ишларининг ривожланишига ҳисса қўшаяпман,- дейди С.Қодирова.

Ўз касбининг фидойиси С.Қодирова ёрдамчиси Д.Невараева билан таъмирталиб китобларни таъмирлашга

этибор бериб, зарур қўлланмаларнинг кутубхонада доим бўлишига эришмоқда.

-Касбимдан, турмушимдан мамнунман, - дейди у. - Турмуш ўртоғим Шухрат Алиев шофёр. Туманимиздаги 2535 автокорхонада хизмат қиладилар. Беш нафар фарзандимиз бор. Уларни юртга фидокорона хизмат қилиш руҳида тарбиялаяпмиз. Ҳаётнинг мазмуни шунда.

ЗИЁКОР

Қурбон Ҳазратқулов мактабда ўқиб юрган пайтлари қишлоқда маҳаллий ўқитувчилар жуда кам эди. Тўлиқсиз ўрта маълумот олишни тугатгач, у Қарши педагогика техникумига кириб ўқишни давом эттирди. Техникумни имтиёзли диплом билан тамомлаб, туманимиздаги "Мудофаа" (ҳозирги А.Раҳматуллаев номи) мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб иш фаолиятини бошлади. Ёш педагог чуқур билим эгаси бўлмасдан ўқувчиларга замон талаби даражасида пухта билим бериб бўлмаслигини англаб, ўқишни давом эттиришга аҳд қилди. Ўқув йили тугагач, Қарши Давлат педагогика олийгоҳининг тарих куллийетининг кундузги бўлимида ўқишни давом эттирди. Олий маълумотли бўлгач, туманимиз мактабларида бир неча йил тарих, жамиятшунослик фанлари ўқитувчиси бўлиб хизмат қилди, 1978 йилдан буён коллежда фаолият кўрсатмоқда.

Қ.Ҳазратқулов дарсларни яхши ва мазмунли ўтиш билан чегараланиб қолмай, ўқувчилари билан дарсдан ташқари ишлашни ҳам намунали йўлга қўйди. У коллежда касаба уюшмаси раислиги вазифасида ҳам узоқ йиллардан буён ишлаб келмоқда.

ДАРАХТ БИР ЖОЙДА КЎКАРАДИ

Раҳматилло Отамуродов Тожикистон Давлат университетини тугатиб, Қўрғонтепа вилоятида ўқитувчи бўлиб ишга киришди. Икки йил ёш авлодга ўзи эгаллаган фандан таълим-тарбия бергач, она юрти - Ғузорга қайтиб, 83-ўрта касб-хунар билим юртида иш фаолиятини давом эттирди.

-Йигирма етти йиллик иш фаолиятим мобайнида ўқувчиларимга физика фанидан чуқур билим бериш билан илмий бўлим мудирини лавозимида ҳам фаолият кўрсатиб келмоқдаман-дейди Р.Отамуродов.

Дарҳақиқат, коллежда физика фани ўқитилишининг тубдан яхшиланишини Р.Отамуродовнинг хизматларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўқувчиларининг вилоят ва республика бўйича физика фанидан ўтказилган олимпиадаларда бир неча марта ўрин эгаллашида Р.Отамуродовнинг юқори хизматлари катта.

НАҚШЛАР ЖИЛОСИ

-Тикувчилик, каштачиликни пухта ўрганаман десанг, ўқишинг керак, - дейди Озодага меҳнат таълими ўқитувчиси.

-Тикувчиликнинг ҳам ўқиши борми? - деди Озода болаларча соддалик билан.

-Каштачилик, тикувчилик ҳам санъат. Бу санъат соҳибларининг айримлари ҳаётда ўчмас из қолдирган. Олийгоҳлардаги меҳнат таълими куллийётларида тикувчилик, каштачиликдан ҳам дарслар ўтилади? - деб Озодага уқтирди муаллима.

Шундан кейин Озода каштачилик, тикувчиликни эгаллашга жиддий киришди. Умумий ўрта маълумот олишни тугатгач, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика олийгоҳининг меҳнат таълим куллийетида ўқишини давом эттирди.

Озода Эшмуродова 1999 йилдан бошлаб коллежда тикувчилик ишлаб чиқариш таълими бўйича ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда.

-149 нафар қизга тикувчилик ва каштачиликни ўргатяпман. Тикув машиналарининг энг янги турларидан фойдаланаяпмиз. Ўқувчиларимиздан кўпчилиги тикувчилик, зардўзлик, каштачиликни яхши ўзлаштиришган. Уларнинг кашталари жилосидан кўз қувонади, - дейди О.Эшмуродова.

Тугамаган хулоса, сифатида шуни айтиши жоизки, Мустақиллик халқимизга улуғ имкониятлар яратиб берди. Ана шундай қутлуғ ишладан бири юрт фарзандларининг замонавий коллежларда таълим-тарбия олаётганлигидир. Бунга Ғузор кишлоқ хўжалиги коллежи фаолияти яққол мисол бўлади.

МУНДАРИЖА

Коллежининг ташкил топиши ва фаолияти.....	3
Ташкилотчилик самараси.....	5
Ирмоқлар бирлашса.....	15
Ҳавас қилган етар муродга.....	16
Муҳандмс-педагог.....	17
Эъозда.....	18
Таълим-тарбияга бахшида умр.....	19
Педагог-тарғиботчи.....	19
Касбига боғланган дил.....	20
Зиёкор.....	21
Дарахт бир жойда кўкаради.....	21
Нақшлар жилоси.....	22

МАЪРИФИЙ НАШР
Ортиқжон ЖЎРАЕВ
ЗИЁ ЧАШМАСИ

Ғузур қишлоқ хўжалик коллежи
ҳаётидан лавҳалар

Муҳаррир: Йўлдошбек Кенжа
Техник муҳаррир: Самандар Мусаев.
Мусаҳҳиҳ: Мусо Тўлаганов
Компьютерчи: Алиёр Муродов

ИБ № 0841

Теришга 15. 03. 2005 йилда берилди. Босишга 22.03. 2005 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 $\frac{1}{32}$. Газета қоғози. Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма табоғи 1.6 Шартли бўёқ-оттиск 1,8 Нашр босма табоғи 1,5. 500 нусхада. 111 -2004 -шартнома. № 20-57 - буюртма. Эркин нарҳда.

“Насаф” нашриёти, 730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 22-уй.

„Графика“ МЧЖ. Қарши шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси.